

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ  
ҚАРОРИ

**170 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг нотариат  
фаолиятини ташкил этишга доир айрим қарорлари-  
га ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Нотариат институти такомиллаштирилиши муносабати билан, шунингдек янги ташкил этилган нотариал идораларни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш мақсадида Вазирлар Махкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбе-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.*

**15 (515)-сон**

**— 133 —**

**170-модда**

кистон Республикаси адлия вазири Н.Т. Йўлдошев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 10 апрель,  
105-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 10 апрелдаги 105-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариға  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартағи 147-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда):

а) 2-банднинг бешинчи хатбошидаги «нотариал ва» сўzlари чиқариб ташлансин;

б) Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-банднинг бешинчи хатбошидаги «нотариал ва» сўzlари чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналтирилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солик бўлмаган тўловлардан, маъмурий ва молиявий жазолардан ажратмалар микдорлари 12-банднинг «Шакллантириш манбай» устунидаги «нотариал ва» сўzlари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 июндаги 104-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2010 й., 6-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Нотариал округда нотариуслар лавозимлари сонини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги «10» рақами «25» рақами билан алмаштирилсин.